

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг коррупция  
фактларига доир мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари  
ҳақидаги йиллик  
Х И С О Б О Т**

**30.12.2023-йил ҳолатига**

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари асосида олиб бормоқда.

2023 йил давомида бўлим томонидан вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Вазирлик тизимида коррупцияга оид хабарларни қабул қилиш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали, телеграмм бот канали, электрон почта, расмий веб-сайтдаги алоқа канали ҳамда ишонч телефонлари ташкил этилиб кенг аҳоли ва жамоатчиликка етказиш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинган.

Ҳисобот даврида ходимларнинг ҳатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали жами 11 та хабарлар келиб тушган.

Коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган 11 та хабарлар таҳлил қилинганида, шундан 4 таси ишонч телефони орқали, телеграм бот канали орқали 7 та мурожаатлар келиб тушган.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институтининг коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали жами 7 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан ишонч телефони орқали 3 та, телеграм бот канали орқали 2 та, электрон почта орқали 2 та мурожаатлар келиб тушган.

Шунингдек, ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви юзасидан Тошкент шаҳрида 1 та оғзаки мурожаат келиб тушган бўлиб, жойида баратараф этилган.

Бундан ташқари, 07.07.2023-йилда фуқаро М.Алимов вазирлик тизимида фаолият юритаётган А.Соатов қурилиш соҳасида коррупцияга йўл қўйилаётганлиги ҳақида хабар берган. Бўлим томонидан ўрганиш натижаларига кўра мазкур мурожаат ўз тасдиғини топмаган.

05.07.2023-йилда фуқаро Ж.Бакиевнинг мурожаатига кўра Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходими Д.Аллакулиев байрам ва устама пулларини бермаётганлигини маълум қилган. Мазкур ҳолат бўлим ходимлари томонидан ўрганилганда аризада кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бўлим ҳамда вазирлик тизимида масъул ходимлари томонидан вилоятнинг барча туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, юқорида қайд этилган ҳолат атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур ҳолат келгусида такрорланмаслиги юзасидан қатий огохлантириш берилди.

Коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича бир қатор чора тадбирлар белгиланиб барча ҳудудларда ижроси амалга оширилиб келинмоқда.

**Коррупцияга қарши курашиш  
Бўлими бошлиғи**



**Ж.Файзиев**